

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АКБАР ШАВКАТОВИЧ

**ГИДРАВЛИК ТИЗИМЛАРНИНГ ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
АСОСИДА КАРЬЕР ГИДРАВЛИК ЭКСКАВАТОРЛАРНИНГ
ЭКСПЛУАТАЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Жураев Акбар Шавкатович

Гидравлик тизимларнинг ишлашини такомиллаштириш асосида карьер
гидравлик экскаваторларнинг эксплуатацион самарадорлигини
ошириш.....3

Жураев Акбар Шавкатович

Повышение эксплуатационной эффективности карьерных гидравлических
экскаваторов на основе совершенствования их гидравлической системы.....21

Juraev Akbar Shavkatovich

Improving the operational efficiency of hydraulic mining excavators
by improving their hydraulic system.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АКБАР ШАВКАТОВИЧ

**ГИДРАВЛИК ТИЗИМЛАРНИНГ ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
АСОСИДА КАРЬЕР ГИДРАВЛИК ЭКСКАВАТОРЛАРНИНГ
ЭКСПЛУАТАЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.1.PhD/T2072 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуазизов Набижон Азаматович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Илхом Пулатович
техника фанлари доктори, доцент

Аннақулов Тўлқин Жовбекович
техника бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:


**Миллий тадқиқот технологик университети
«МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали**


Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.T.06.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 28 декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилик институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; (e-mail: info@ndki.uz).


Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (82 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй, Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2021 йил 15 декабр куни тарқатилди.
(2021 йил 15 декабрдаги 39 рақамли реестр баённомаси).




И.Т.Мислибаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор


Ш.Ш.Заиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор


Н.А.Абдуазизов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фойдали қазилма конларининг чуқурлашуви, кон ишларининг мураккаб кон-геологик шароитларда олиб борилаётганлиги ва эксплуатация қилинаётган кон ускуналари ишончилиги ва самарадорлигига қўйилаётган талаблар карьер гидравлик экскаваторларининг конструкциясини ва уларнинг гидравлик тизимини такомиллаштиришга олиб келди. Фойдали қазилмаларни очик кон усулида қазиб олиш ишларини жадаллаштириш замонавий гидравлик карьер экскаваторларини қўллаш ва уларнинг қувватини оширишни талаб этади. Замонавий гидравлик экскаваторлар юқори технологик қиммат ускуналар ҳисобланади, уларга эксплуатацияси давомида хизмат кўрсатиш муҳим техник маданиятни талаб қилади. Гидравлик экскаватор ўзида мураккаб гидравлика тизимини мужассам этади, карьер экскаваторларининг гидравлика тизимининг носозлик даражаси бугунги кунда юқори кўрсаткичларга етмоқда ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Карьер экскаваторларининг гидравлика тизимининг эксплуатация таннархини камайтириш, уларнинг ишончилигини ошириш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топмаган ва уни ҳозирда ечиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда карьер гидравлик экскаваторларини қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, экскаваторларнинг мавжуд гидравлика тизими ишлаш хусусиятидан келиб чиқиб, бир қатор муҳим камчиликларга эга. Гидравлик ишчи суюқликларнинг ифлосланиш даражаси ошиб кетиши натижасида, уларнинг ишлаш ресурси камайиб кетади, гидравлик тизимнинг қисмларининг интенсив абразив емирилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичига эга бўлган, техник ва технологик ечимларни жорий қилиш натижасида гидравлик тизимларни ишини такомиллаштириш асосида карьер гидравлик экскаваторларини эксплуатацион самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда фойдали қазилмаларни қазиб олишни жадаллаштириш, карьер экскаваторларини ишлатишда уларнинг ишончилигини оширувчи ва иқтисодий самарали усулларини тадқиқ қилиш, карьер экскаваторларининг гидравлика тизимининг ресурсларни тежайдиган инновацион технологияларни жорий этиш бўйича илғор илмий чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида¹ «ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, принципал жиҳатдан янги технология турларини ўзлаштириш, энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, карьер гидравлик экскаваторларининг иш унумдорлигини ошириш, кон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида Фармони.

ускуналари гидравлика тизимининг ресурс тежамкорлигини ошириш ва қазиб олиш ва юклаш ишлари таннархини пасайтириш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ва 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)»устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гидравлик тизимли кон машиналаридан самарали фойдаланиш назарияси ва амалиётининг ривожланишига Башта Т.М., Барышев В.И., Берман В.М., Бреннер В.А., Бродский Г.С., Кантович Л.И., Коваль П.В., Ковалевский В.Ф., Коваленко В.П., Красников Ю.Д., Пастоев И.Л., Подерни Р.Ю., Рахутин Г.С., Абдуазизов Н.А., Джураев Р.У., Рокшевский В.А., Скрицкий В.Я., Солод Г.И., Финкельштейн З.Л., Akira Tsutsui, Dr. Etsujiro Imanishi, Felix Nga, Jacqueline Glass, Jennifer A. Hardinga, Lei Ge, Long Quan, Milos Vukovic, Roland Leifeld, Takao Nanjo ва бошқалар катта ҳисса қўшишган, улар томонидан гидравлик тизимли кон машиналарининг ишончилигини ва самарадорлигини ошириш, эксплуатация таннархини ресурс тежамкор технологияларни қўллаш асосида камайтириш билан боғлиқ катта натижаларга эришилган. Бироқ бугунги кунда гидравлик тизимларни ишини такомиллаштириш асосида карьер гидравлик экскаваторларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш, гидравлик ишчи суюқликларнинг эксплуатацияси давомида самарали тозалаш усуллари ва уларнинг тозалик даражасини кон ускуналарининг гидравлик тизими ишига таъсири тўлиқ ўрганилмаган.

Шу муносабат билан кончилик саноати учун муҳим бўлган карьер экскаваторларининг гидравлик тизимини ўрганиш, эксплуатация ишончилиги ва самарадорлигини ошириш зарурияти юзага келади ва бу йўналишда кейинги тадқиқотларни давом эттириш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида «Карьер гидравлик экскаваторларининг конструктив

параметрларини тадқиқоти ва гидротизим химоя қурилмаларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидравлик тизими ишини такомиллаштириш асосида карьер экскаваторларининг эксплуатацион самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

карьер экскаваторларининг гидравлик тизимини такомиллаштиришнинг ва эксплуатацион самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва ҳолати таҳлили;

карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизимнинг тўхталишларига олиб келувчи асосий омилларни тадқиқ қилиш;

гидравлик ишчи суюқликларнинг кўрсаткичларини гидравлика тизимнинг самарадорлигига таъсирини тадқиқ қилиш;

гидравлик ишчи суюқликнинг ифлосланганлик даражасини гидравлик тизими қисмларининг иш ресурсига таъсирининг математик моделини ишлаб чиқиш;

карьер экскаваторлари гидравлик тизимининг янги зичлагичларини ишлаб чиқиш ва уларни тажриба-синовларидан ўтказиш;

гидравлик тизими фитингининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовларидан ўтказиш;

гидравлик ишчи суюқликларни тозалаш учун янги ғовакли филтер ишлаб чиқиш ва тажриба-синовларидан ўтказиш;

ишлаб чиқилган ечимларни қўллаш самарадорлигини техник-иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизими қисмларининг ишчанлиги ва ишончлилиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида карьер экскаваторларининг гидравлик тизимини такомиллаштиришда назарий ва экспериментал усуллар, лаборатория ва саноат шароитида экспериментал тадқиқотлар, гидравлик ишчи суюқликларни тозалаш жараёнларини математик моделлаштириш бўйича тадқиқотларнинг умумлашган усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гидравлик ишчи суюқликнинг ифлосланиш даражаси унинг эксплуатация давомийлигига боғлиқлиги ўрнатилди ва ушбу боғлиқлик асосида ишчи суюқликнинг ифлосланганлик даражасини гидравлик тизими қисмларининг иш ресурсига таъсирини математик модели ишлаб чиқилган;

гидравлик тизим сальникли зичлагич қаттиқлиги ошишининг юқори ва кескин паст ҳароратларга боғлиқлиги ўрнатилди ҳамда сальникли зичлагичларнинг таркибига 1,21% миқдорида анкерит ($\text{Cf}(\text{Vg}, \text{Fe})[\text{CO}_3]_2$), 0,39% миқдорида сульфат цинк (ZnS) ва 0,22 % миқдорида сульфат калий (K_2SO_4) элементларини қўшиш, сальникли зичлагичнинг юқори ва кескин паст ҳарорат таъсири остида мўртлашишини баргараф этиш имконини бериши аниқланган;

карьер экскаваторлари гидравлик тизимидаги зичлагичларнинг емирилиш интенсивлигининг математик модели ишлаб чиқилда ва ушбу модель асосида гидравлик тизимдаги зичлагичлар емирилиш интенсивлигини башоратлаш имконини берувчи дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

фильтрда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар ўлчамларининг катталиги ва миқдори фильтр танасининг қалинлиги, ғоваклилик миқдори ва ғоваклари ўлчамларининг катталигига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гидравлик экскаваторларнинг гидравлик тизимида юқори босим туфайли ишчи суюқликларнинг оқиб кетишини бартараф этувчи, янги сальникли зичлагичлар ишлаб чиқилган;

карьер экскаваторларининг гидравлик тизимида юқори босимли рукавлар узилиб кетиши натижасида юзага келадиган авария ҳолатларини камайтириш имконини берувчи, юқори босимли шланг-фитингнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

гидравлик экскаваторнинг ишчи суюқлигида 0,3-0,5 мкм ўлчамгача бўлган ифлословчи заррачаларни тутиб қолиш имкониятига эга бўлган янги ғовакли фильтр ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кенг миқёсдаги лаборатория ва саноат шароитидаги тажрибалар, карьер гидравлик экскаваторларининг эксплуатацияси ишончлилигини оширувчи усулларини ишлаб чиқишда ишнинг асосий ғоясининг миқдорий кўрсаткичлари ва қониқарли даражада мувофиқлиги, шунингдек, карьер экскаваторларининг гидравлик тизими ишини такомиллаштирувчи гидравлик зичлагичлар, юқори босимли шланг фитингининг конструкцияси ва гидравлик ишчи суюқликларни тозалаш учун ғовакли фильтрни экспериментал синовларининг ижобий натижалари билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гидравлик ишчи суюқликнинг ифлосланганлик даражасининг гидравлик тизими қисмлари иш ресурсига таъсирининг математик моделини ишлаб чиқиш, гидравлик тизим сальникли зичлагичнинг қаттиқлигининг ошиши юқори ва кескин паст ҳароратларга боғлиқлигини ўрнатиш, ишлаб чиқилган ғовакли фильтрда ушлаб қолинган ифлословчи заррачаларнинг ўлчамларининг катталиги ва миқдори фильтр танасининг қалинлиги, ғоваклари ўлчамларининг катталигига боғлиқлигини ўрнатиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти карьер экскаватори гидравлик тизимининг зичлагичлари, гидравлик тизимининг юқори босимли шланглари фитингининг янги конструкцияси ва ғовакли фильтр яратилганлиги карьер гидравлик экскаваторлари эксплуатациясининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидравлик тизимлар ишлашини такомиллаштириш ва карьер гидравлик экскаваторларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гидравлик экскаваторларнинг гидравлик тизими зичлагичлари «Навоий кон металлургия комбинати» ДК «Аристантау» карьерида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 07 июлдаги 02-06-07/7024-сон маълумотномаси). Натижада, РН-40Е русумли карьер гидравлик экскаваторларида қизиқ кетиш ва босимнинг ошиши туфайли гидравлик ишчи суюқликларнинг оқиб кетишини 45% га камайтириш имконини берган;

юқори босимли шланг фитингининг янги конструкцияси «Навоий кон металлургия комбинати» ДК «Аристантау» карьерида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 07 июлдаги 02-06-07/7024-сон маълумотномаси). Натижада, РН-40Е русумли карьер гидравлик экскаваторларида гидравлик ишчи суюқликларнинг оқиб кетиши билан боғлиқ авариялар сонини 75% га камайтириш имконини берган;

гидравлик ғовакли фильтр «Навоий кон металлургия комбинати» ДК «Аристантау» карьерида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2021 йил 07 июлдаги 02-06-07/7024-сон маълумотномаси). Натижада, гидравлик ишчи суюқликлар таркибидаги 0,3 мкм ўлчамгача бўлган ифлословчи заррачалардан тозалаш ва карьер экскаваторининг эксплуатацион самарадорлигини 40% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, Республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган. ЭХМ учун компьютер дастурий маҳсулотига 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблигини асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гидравлик экскаваторларнинг эксплуатацион кўрсаткичларининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида гидравлик экскаваторлар ҳақида умумий маълумот ва уларнинг эксплуатацион кўрсаткичлари келтирилган, Навоий кон-металлургия комбинатининг

конларида қўлланилаётган гидравлик экскаваторларнинг саноат кўрсаткичлари кўриб чиқилган, диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ҳолатининг таҳлили ўтказилган, карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизимини такомиллаштиришнинг ва эксплуатация самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган.

Гидравлик экскаваторларнинг эксплуатацион кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кончилик корхоналарида қўлланилаётган кўпгина гидравлик экскаваторлар паспортида келтирилганга нисбатан паст унумдорлик билан ишлайдилар. Бунга сабаб сифатида, иш давомида кутилмаган тўхталишларнинг юзага келиши, деталларнинг тез ишдан чиқиши ва экскаватор гидравлик тизимининг ишончсиз ишини кўрсатиш мумкин.

Юқорида келтирилганлар гидравлик экскаваторларнинг эксплуатацион таннархининг ошиб кетиши уларнинг самарадорлигининг тушиб кетишига олиб келади.

Карьер гидравлик экскаваторларининг самарадорлиги бир қанча омилларга боғлиқ бўлади, яъни гидравлик экскаваторлар қўлланилаётган ҳудуднинг иқлим шароитларига, ҳавонинг ифлосланганлик (чангланганлик) даражасига, экскаваторнинг конструктив қисмларининг иш кўрсаткичларига, гидравлик тизимнинг ишончлилиги, гидравлик ишчи суюқлигининг кўрсаткичлари ва тозалигига.

Фойдали қазилма конларида қўлланилаётган гидравлик экскаваторларнинг эксплуатацион кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатдики, карьер гидравлик экскаваторларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш, уларнинг гидравлик тизимлари ишлашини такомиллаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, карьер экскаваторларининг гидравлик тизимини такомиллаштириш ва эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича бажарилган аналитик тадқиқотлар натижасида диссертация ишининг қуйидаги асосий йўналишлари шакллантирилди: карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизими тўхталишларига олиб келувчи асосий омилларни тадқиқ қилиш, тўхталишларни бартараф этиш асосида гидравлик тизимнинг эксплуатацион самарадорлигини оширувчи техник ечимларни ишлаб чиқиш ва гидравлик ишчи суюқликни тозалаш учун янги филтърни ишлаб чиқиш.


Диссертациянинг «**Карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизими тўхталишларига олиб келувчи асосий омиллар тадқиқоти**» деб номланган иккинчи бобида гидравлик экскаваторларнинг тўхталиш сабаблари таҳлил қилинган, карьер гидравлик экскаваторлари гидравлик тизимининг заиф қисмлари, гидравлик ишчи суюқлик кўрсаткичларининг гидравлик тизими эксплуатация самарадорлигига таъсири тадқиқ қиланган ҳамда гидравлик ишчи суюқликнинг ифлосланганлик даражасининг гидравлик тизими қисмларининг иш ресурсига таъсири моделлаштирилган.

Гидравлик экскаваторлари тўхталишларининг катта қисми унинг гидравлик тизими носозликлари натижасида юзага келади. Бу эса унинг иш кўрсаткичларининг камайишига ҳамда эксплуатация харажатларини ошиб кетишига олиб келади.

Мамлакатимизнинг фойдали қазилма конларида қўлланиладиган гидравлик экскаваторлар ишининг таҳлили шуни кўрсатадики, тўхталишларнинг 2% аккумуляторнинг носозлиги, 27% ички ёнув двигателининг носозлиги, 11% насоснинг носозлиги, 2% автоматик мойлаш тизими носозлиги, 38% гидравлик тизим бутловчи деталларининг йўқлиги натижасида тўхталиш, 3% гидравлик қисмлари носозликлари, 2% чўмичнинг носозлиги, 10% юқори босим рукавлари носозлиги, 5% гидротизим гидроюритмасининг носозлигига тўғри келади.

Гидравлик тизим томонидан умумий юзага келадиган тўхталишлар ўртача 70 % га тўғри келади. Гидравлик тизимнинг ишдан чиқиш турлари тўхталиш ҳиссасига нисбатан кўрадиган бўлсак, шулардан 38,5% ни гидроцилиндрдан, юқори босимли рукавдан, айланиш гидродвигателидан ва зичлагичларнинг емирилиши натижасида ишчи суюқликнинг сирқиб кетиши сабабли юзага келадиган тўхталишлар эгаллайди. Қувурларнинг ёрилиши ва рукавларнинг ишқаланиши натижасида емирилиши сабабли тўхталишлар 19,6% ни ташкил этади, гидроцилиндрнинг ишдан чиқиши 4,2 % ва юқори босимли рукавларнинг ёрилиши ва фитинг қисмидан ажралиши натижасидаги тўхталишлар 7,7 % ни ташкил этади.

1-расмда карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизимида юзага келадиган носозликлар келтирилган.



- 1 – ишчи суюқликни сирғиб кетиши;
- 2 – қувурларни ёрилиши ва рукаваларнинг ишқаланишида емирилиши ва эгилиши;
- 3 – юқори босим рукаваларни ёрилиши ва фитинг қисмининг узилиши;
- 4 – гидроцилиндрнинг ишдан чиқиши;
- 5 – бошқа носозликлар


1-расм. Карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизимида юзага келадиган носозликлар

Юқорида келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мураккаб кон-геологик шароитли фойдали қазилма конларида қўлланиладиган гидравлик экскаваторларнинг эксплуатацион кўрсаткичларига унинг гидравлик тизимининг иши сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Карьер гидравлик экскаваторлари гидравлик тизимлари элементларининг узок ва ишончли хизмат қилишига ишчи суюқликни ифлословчи унсурларни аниқлаш учун карьер экскаваторлари гидравлик тизимлари ҳолати ўрганилди ва ушбу тизимларда ишлатиладиган ишчи суюқлик таҳлили амалга оширилди.

Таҳлил натижалари асосида ифлосланганлик даражасига мос равишда гидравлик тизимлар узок муддат хизмат қилишининг графиги ўрнатилди.

2-расмда ишчи суюқликда ифлословчи унсурларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда насос ва гидротаксимловчининг хизмат қилиш муддати боғлиқлиги келтирилган.




1 – аксиал-поршенли насос;
 2 – гидротаксимловчи;
 3 – гидроцилиндр; 4 – гидромотор
2-расм. Гидроагрегатлар хизмат қилиш муддатининг ишчи суюқликнинг ифлосланган даражасига боғлиқлиги графиги

2-расмдан кўришиб турибдики, гидравлик суюқликда ифлословчи унсурлар кам бўлганда агрегатлар ишлаш заҳираси оптимал қийматларни қайд этади, ифлословчи унсурлар ошиб кетганда хизмат муддати сезиларли камаяди.

Ушбу диссертация ишининг асосий мақсадларидан бири ишлатиладиган гидравлик суюқликларни чанглар ва ифлословчи унсурлардан самарали тозалашдир. Бунинг учун НКМК «Аристантау» керъерида RH-40E экскаваторида фойдаланилган турли ишлаш муддатларига эга бўлган бир неча турдаги гидравлик ишчи суюқликлар тадқиқот қилинди ва тадқиқот натижалари гидравлик суюқлик ифлосланиш даражасининг ундан фойдаланиш муддатларига боғлиқликларини аниқлаш имконини берди.

3-расмда гидравлик суюқлик ифлосланганлигининг (G) ундан фойдаланиш муддати (t) га боғлиқлиги графиги келтирилган.



а – ҳақиқий ифлосланиш даражаси;
 б – эксплуатация давомида йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал назарий ифлосланиш даражаси
3-расм. Гидравлик суюқлик ифлосланганлигининг (G) ундан фойдаланиш муддати (t) га боғлиқлиги графиги

3-расмда келтирилган графикдан кўришиб турибдики, ишлаш муддати ортиши билан ишчи гидравлик суюқликнинг ифлосланиши ҳам ортиб боради.

Тажриба ишлари натижалари асосида амалга оширилган регрессион таҳлил натижалари ёрдамида гидравлик ишчи суюқлик ифлосланишининг ундан фойдаланиш вақтига боғлиқлиги аниқланди, бу эса ифлосланиш даражасини башорат қилиш ва ишчи суюқликни алмаштиришнинг оптимал муддатларини аниқлаш имконини беради. Регрессив боғлиқлик қуйидагич кўринишга эга:

$$G = 0,3 \cdot t - 72, \quad (1)$$

бу ерда G – ифлосланганлик миқдори, мг/кг; t – ишлатиш вақти, мотосоат.

Слесарев В.П. томонидан карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизими агрегатларининг ресурсига ишчи суюқликнинг ифлословчи заррачаларини таъсирини аниқлаш учун қуйидаги боғлиқлик тақлиф этилган:

$$R_c = R_{c(ecs)} \cdot \left[\left(\frac{P_{c(ecs)}}{P_c} \right)^a \cdot \left(\frac{v_{c(ecs)}}{v_c} \right) \right] \cdot \left[\left(\frac{d_{c\Sigma(ecs)}^{2.77}}{d_c^{2.77}} \right) \cdot \left(\frac{C_{ecs}}{C_c} \right) \right], \quad (2)$$

бу ерда $R_{c(ecs)}$ – назарий ишлаш ресурс, мотосоат; $P_{c(ecs)}$ – назарий бўйича берилган босим, Па; P_c – гидравлик тизимдаги берилган босим, Па; a – босимлар фарқи коэффициенти $a=1$; $v_{c(ecs)}$ – назарий бўйича берилган ишчи суюқлик тезлиги, м/с; v_c – гидравлик тизимдаги ишчи суюқлик тезлиги, м/с; $d_{c\Sigma(ecs)}^{2.77}$ – назарий бўйича ишчи суюқликдаги заррачаларнинг ўлчами, мм; $d_c^{2.77}$ – гидравлик тизимдаги ишчи суюқликдаги заррачаларнинг ўлчами, мм; C_{ecs} – назарий бўйича ифлосланган заррачаларнинг концентрацияси, кг/кг; C_c – гидравлик тизимдаги ифлосланган заррачаларнинг концентрацияси, кг/кг.

Бироқ юқорида таклиф этилган ифода таркибида келтирилган C_c – гидравлик тизимдаги ифлосланган заррачаларнинг концентрацияси миқдорини гидравлик тизим эксплуатацияси давомида аниқлаш мушкул ҳисобланади ва ҳисоб ишларида ушбу кўрсаткич белгиланган оралик ўртасидаги катталиги танланади, бу эса, ўз навбатида, ҳисоб ишларининг аниқлигини камайтиради.

Гидравлик тизим агрегатларининг ресурсига ишчи суюқликнинг ифлословчи заррачалари таъсирини юқори аниқлик билан ҳисоблаш (C_c) катталигига аниқлаштириш орқали эришиш мумкин, бунда (C_c) катталиги қуйидаги ёйилмага эга бўлади:

$$C_i = \delta \cdot n_{ч(i)} = 3\pi \cdot 10^{-6} \left(\rho_{ч} / \rho_{м} \right) \cdot d_i^3 \cdot n_{ч(i)}, \quad (3)$$

бу ерда $\rho_{ч}$ – заррачаларнинг зичлиги, кг/м³; $\rho_{м}$ – ишчи суюқликнинг зичлиги, кг/м³; $n_{ч}$ – гидравлик тизимдаги ифлосланган заррачаларнинг сони.

Юқорида келтирилган (3) ифодадан келиб чиқиб, 2-ифода қуйидаги кўринишга келади:

$$R_{c(ecs)} \cdot \left[\left(\frac{P_{c(ecs)}}{P_c} \right)^a \cdot \left(\frac{v_{c(ecs)}}{v_c} \right) \right] \cdot \frac{d_{c\Sigma(ecs)}^{2.77}}{d_c^{2.77}} \cdot \frac{3\pi \cdot 10^{-6} (\rho_{ч} / \rho_{м}) \cdot d_{c\Sigma(ecs)}^3 \cdot n_{ч(ecs)}}{3\pi \cdot 10^{-6} (\rho_{ч} / \rho_{м}) \cdot d_c^3 \cdot n_{ч}}, \quad (4)$$

бу ерда $d_{c\Sigma(ecs)}^i$ ва d_c^i – заррачаларнинг ўлчами, мм; $n_{ч(ecs)}$ – эталон бўйича ифлосланган заррачаларнинг сони.

Юқорида берилган (4) ифодадан, ифлосланган заррачалар сони тозалик синфидаги даражасига тегишлилигини ва ифлосланганлик миқдорини қуйидагича пропорционаллаймиз:

$$n_{ч(ecs)} \rightarrow (0,3 \cdot t - 72) \cdot 100\%, \quad (5)$$

$$\frac{n_{ч(ecs)}}{n_{ч}} = \frac{n_{ч} \rightarrow m_3}{(0,3 \cdot t - 72) \cdot 100\%}. \quad (6)$$

Бунда (2) ифодани (6) ифода билан боғланган ҳолати (G) катталигига боғлиқлиги орқали гидравлик қисмларнинг иш ресурслари камайиш даражасини аниқлаш қуйидаги ифодалар орқали амалга оширилиши мумкин:

$$I_{\text{рес}} = N_{\text{рес}} \cdot K_p \cdot K_v \cdot \frac{m_3}{(0,3 \cdot t - 72) \cdot 100\%}, \quad (7)$$

$$I_{\text{сер.рес}} = C_{\text{сер.рес}} \cdot K_p \cdot K_v \cdot \frac{m_3}{(0,3 \cdot t - 72) \cdot 100\%}, \quad (8)$$

бу ерда $H_{\text{рес}}$ – гидравлик қисмларнинг назарий иш ресурси, мотосоат;
 $I_{\text{сер.рес}}$ – ишчи суюқликнинг ифлосланиши натижасида гидравлик қисмларнинг иш ресурси камайиши, мотосоат; $C_{\text{сер.рес}}$ – гидравлик қисимларни корхоналарга бериладиган ишчи ресурси, мотосоат; k_p – босим коэффиценти – $0,95 \div 0,98$;
 k_v – тезлик коэффиценти – $0,91 \div 0,95$; m_3 – ГОСТ-17216-2001 тозалик синфидаги ифлосланиш миқдори, %.

Юқорида келтирилган (7) ва (8) ифодалар асосида Delphi дастурлаш тилида карьер экскаваторлари гидравлика тизими қисмларининг эксплуатация ресурсининг гидравлик ишчи суюқликнинг ифлосланганлик даражаси асосида аниқлаш имконини берувчи дастурий таъминот яратилди.

Диссертациянинг «Тўхталишларни бартараф этиш асосида гидравлик тизимнинг эксплуатацион самарадорлигини оширувчи техник ечимларни ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида гидравлик тизимнинг янги зичлагичлари ишлаб чиқилган ва ушбу зичлагичларнинг тажриба-синов натижалари келтирилган, карьер экскаваторларининг гидравлика тизимидаги зичлагичлар емирилиш интенсивлигининг математик модели ишлаб чиқилган, гидравлик тизим фитингининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган ва ушбу фитингнинг янги конструкциясининг тажриба-синов натижалари келтирилган.

Карьер гидравлик экскаваторларининг гидравлик тизимида ишчи суюқликнинг сизиб чиқишини бартараф этиш, тизимга чанг кўринишидаги ифлословчи заррачалар тушишининг олдини олиш мақсадида юқори босим, кескин ўзгарувчан ҳарорат ва емирилишга чидамли бўлган маҳаллий хом ашёдан сальникли зичлагичлар ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган сальникли зичлагич қуйидаги таркибда тайёрланган СКМС-30(каучук), олтингугурт,ДФГ, стеарин кислота, каптокс, ZnO, тўлдирувчилар.

Сальникли зичлагичлар Навоий кон-металлургия комбинатининг «Навоий машинасозлик заводи»да тайёрланди.

Ишлаб чиқилган сальникли зичлагич қуйидаги техник кўрсаткичларга эга: 60 °С ҳароратда 350 бар босимгача чидамли, суюқликнинг оқиш тезлиги 0,5 м/с, қўлланилиш ҳароратлари –35°С дан +100°С гача, минерал ёғлар ва гидравлик суюқликлар муҳитига мослашган.

Ишлаб чиқилган сальникли зичлагич иш кўрсаткичларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синовлари ўтказилди. Тажриба-синов ишлари натижалари асосида тадқиқ қилинган сальникли зичлагичларнинг қаттиқлиги юқори ва паст ҳароратларга боғлиқлиги аниқланган.

Гидравлик экскаваторнинг сальник зичликларини емирилишига таъсир этувчи факторларга: материалга таъсир этувчи суюқлик оғирлик кучи, материал қаршилиги, суюқлик ҳажми, суюқликдаги заррачаларнинг ҳажми, суюқлик температураси, материал юзасига таъсир этувчи температуралар киради.

Интенсив гидроабразив емирилиш материал ва деталларнинг қуйидаги ифодаланишига боғлиқ:

$$I = \varphi(v, \rho, d, \alpha, H_a, H_m, t, \sigma_a, \sigma_m, O, T, t, A), \quad (9)$$

бу ерда I – интенсив гидроабразив емирилиш, мм; v – абразив оқимнинг чизиқли тезлиги, м/с; ρ – абразив заррачанинг зичлиги, кг/м³; d – абразив заррачаларнинг ўлчамининг диаметри, мм; α – абразив заррачаларнинг зичлагичларга урилиш бурчаги, град; H_a – абразив заррачанинг қатқлиги, кг·н; H_m – намуна материалнинг қатқлиги, кг·н; m – заррачанинг массаси, кг; σ_a – заррачанинг мустаҳкамлиги, кг·н/м²; σ_m – намуна материалнинг мустаҳкамлиги, кг·н/м²; O – абразив заррачаларнинг окатанлиги; T – материал юзасидаги ҳарорати, °С; t – суюқликнинг ўтиш вақти, с; A – агрессив муҳит.

Бунда интенсивлик емирилиш чизиқли емирилиш абразивига пропорционал бўлади:

$$I \sim \frac{dU_V}{dS}, \quad (10)$$

бу ерда dU_V – чизиқли емирилиш абразиви, м; dS – сальник юзасига таъсир этувчи ишқаланиш масофа, м.

Юқоридагига асосан чизиқли емирилиш ифодасига тўхталамиз:

$$\frac{dU_V}{dS} = K_V \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3. \quad (11)$$

Қуйидаги ифода зичлагичнинг турли компонентларидан тайёрланганлиги натижасида ишчи суюқлик боғлиқлик орқали асосланади:

$$K_1 = \left(\frac{\delta}{HB}\right)^m = \left(\frac{m_s \cdot g}{HB}\right)^m = \left(\frac{p_s \cdot \pi \cdot l \cdot g \cdot D^2}{4 \cdot HB}\right)^m, \quad (12)$$

бу ерда δ – материалга таъсир қилувчи суюқлик оғирлик кучи, Н; HB – сальник материали қатқлиги, г·Н; m_s – суюқлик массаси, кг; p_s – суюқлик зичлиги, кг/м³; D – труба диаметри, м; L – резина эни, м; g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; m – мосс шкаласи бўйича қатқлик даражаси.

Қуйидаги ифода суюқлик таркибидаги ифлосланган заррачаларнинг зичлагичларга таъсир этиш боғлиқлиги:

$$K_2 = \left(\frac{V_B + V_N}{V_N}\right)^k = \left(\frac{\frac{m_s + m_s \cdot 100\%}{p_s} + \frac{m_3 \cdot 100\%}{p_z \cdot m_3}}{\frac{m_s \cdot 100\%}{p_z \cdot m_3}}\right)^k, \quad (13)$$

бу ерда K_V – пропорционаллик коэффициенти 1-1,2; V_B – суюқлик ҳажми, м³; V_N – суюқликдаги кварц ҳажми, м³; k – суюқлик оқим йўналиши $k=1$; p_s – суюқлик зичлиги, (кг/м³); p_z – ифлосланган заррачалар зичлиги, кг/м³; m_3 – тозалик синфидаги ифлосланиш миқдори, %.

Қуйидаги ифода суюқлик ҳарорати ва зичлагич орасидаги боғлиқликни акс эттиради:

$$K_3 = \left(\frac{T_S}{T_M}\right)^n, \quad (14)$$

бу ерда T_S – суюқлик температураси, °С; T_M – материал температураси, °С; n – суюқлик оқим йўналиши $n=1$.


Юқоридаги (12), (13) ва (14) ифодаларни бирлаштириш натижасида зичлагичнинг интенсив емирилишини аниқлаш мумкин:

$$\frac{dU_V}{dS} = K_V \cdot \left(\frac{p \cdot \pi \cdot l \cdot g \cdot D^2}{4 \cdot HB}\right)^m \cdot \left(\frac{\frac{m_s + m_s \cdot 100\%}{p_s} + \frac{m_3 \cdot 100\%}{p_z \cdot m_3}}{\frac{m_s \cdot 100\%}{p_z \cdot m_3}}\right)^k \cdot \left(\frac{T_S}{T_M}\right)^n. \quad (15)$$

Юқорида келтирилган (15) ифода асосида Delphi дастурлаш тилида карьер экскаваторлари гидравлика тизимидаги зичлагичларнинг емирилиш интенсивлигини башоратлаш имконини берувчи дастурий таъминот яратилди.

Юқори босим рукавларининг узилиши сабабли, юзага келадиган авария ҳолатларини бартараф этиш мақсадида, юқори босимга чидамли уланиш қисмига эга бўлган гидравлик тизим фитингининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган гидравлик тизим фитингининг янги конструкцияси 4-расмда келтирилган.



1 – флянецли уланиш қисми;
2 – ниппель; 3 – муфта

4-расм. Гидравлик тизим фитингининг янги конструкцияси

Ишлаб чиқилган гидравлик тизим фитингининг янги конструкцияси Навоий кон-металлургия комбинатининг «Аристантау» карьеридида қўлланилаётган RH-40E маркали гидравлик экскаваторда синовдан ўтказилди.

Карьер экскаваторларининг гидравлик тизимида гидронасосдан чиқувчи ишчи суюқликнинг номинал босими 350 барни ташкил этади, гидротаксимлагичдан ҳаракатланувчи узелларга рукавлар орқали тарқалаётган гидравлик ишчи суюқликнинг босими ўртача 300 бар. Таклиф этилаётган юқори босимли шланг фитингини янги конструкцияси, 450 бар босим ҳосил қилинганда ҳам ишчанлигини йўқотмайди. Ҳозирда қўлланилаётган фитинглар ишчи суюқликнинг босими 200 бардан ошиши натижасида узилиш ёки синиш кўринишидаги носозликларни юзага келтирмоқда.

Диссертациянинг «**Гидравлик ишчи суюқликни тозалаш учун янги ғовакли фильтрни ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида гидравлик суюқликларни тозалашнинг аҳамияти келтирилган, гидравлик суюқликларни тозалаш учун ғовакли фильтр ишлаб чиқилган, шунингдек, ишлаб чиқилган ғовакли фильтрнинг тажриба-синов натижалари келтирилган ва таклиф этилаётган ечимларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган.

Кон ускуналари гидравлик тизими ишчи суюқлигининг тозаланиши ва иш кўрсаткичларини самарали таъминлаш мақсадида, махсус таркибли ғовакли фильтр ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган ғовакли фильтр қуйидаги бикарбонат аммоний (NH_5CO_3), полиорганосилоксан (r_2SiO), акрилли эмульсия, сополимерлар ва винилхлориддан ташкил топган.



5-расмда, юқорида келтирилган таркиб асосида лаборатория шароитида олинган ғовакли фильтрнинг кўриниши келтирилган.


Ишлаб чиқилган ғовакли фильтр, гидравлик экскаваторнинг гидравлик тизимидаги ишчи суюқликларни филтрлаш учун қўлланиладиган филтрлар ўрнига ўрнатилади.

Ишлаб чиқилган ғовакли фильтрни тажриба синовлардан ўтказишдан қўйилган асосий мақсад, ушбу фильтрларни гидравлик ишчи суюқликларни тозалашда самарали қўллаш мумкинлигини аниқлаш ва фильтрнинг параметрларини аниқлаш ҳисобланади.

Тажриба-синов ишлари натижалари асосида филтрдан ишчи суюқликнинг ўтиш тезлигининг ва филтлда ушлаб қолинган заррачалар миқдорининг филтър материали ғоваклилик миқдorigа боғлиқлиги ўрнатилди, ушбу боғлиқликлар 6- ва 7-расмларда келтирилган.



6-расм. Филтрдан ишчи суюқлик ўтиш вақтининг филтър материалнинг ғоваклилик миқдorigа боғлиқлиги




7-расм. Филтлда ушлаб қолинган заррачалар миқдорининг филтър материали ғоваклилик миқдorigа боғлиқлиги

6- ва 7-расмларда келтирилган боғлиқликлар шуни кўрсатадики, ғовакли филтлда ишчи суюқликнинг ўтиш тезлиги филтърнинг ғоваклилик миқдorigа 45% дан 60% гача оралиқда бўлганда, ўртача 50-55 секундни ташкил этди, ғоваклилик миқдorigа 45% дан, ҳар 5% га камайганда эса ишчи суюқликнинг ўтиш тезлиги 10-12% камайди. Бундан ташқари, ғоваклилик миқдorigа 40% бўлганда филтлда ушлаб қолинган заррачалар миқдorigа 2,8 граммни, ғоваклилик миқдorigа 50% ва 60% бўлганда, 2,2 ва 2,0 граммни ташкил этди.

Тажриба-синов ишларининг кейинги босқичларида ишлаб чиқилган ғовакли филтърнинг қалинлиги 50, 60, 70, 80, 90 мм ва ғовакларининг катталиги 4, 3, 2 ва 1 мкм бўлган ғовакли филтърлар худди шу тарзда синовдан ўтказилди.


Тажриба-синов ишларининг натижалари асосида ғовакли филтлда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар катталигининг (g_3) филтърнинг қалинлигига (l_ϕ) ва ғовакларининг катталигига (d_{np}) боғлиқлиги ўрнатилди, ушбу график боғлиқлик 8-расмда келтирилган.



8-расм. Ғовакли филтлда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар катталигининг (g_3) филтърнинг қалинлигига (l_ϕ) ва ғовакларининг катталигига (d_{np}) боғлиқлиги


Шунингдек, тажриба-синов ишлари давомида ғовакли филтлда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар миқдорининг (m_3) филтърнинг қалинлигига

(I_{ϕ}) ва ғовакларининг катталигига (d_{np}) боғлиқлиги ўрнатилди, ушбу график боғлиқлик 9-расмда келтирилган.




9-расм. Ғовакли филтлда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар миқдорининг (m_3) филтрнинг қалинлигига (I_{ϕ}) ва ғовакларининг катталигига (d_{np}) боғлиқлиги

Ишлаб чиқилган ғовакли филтрдан ва RH-40E маркали экскаваторда қўлланиладиган гидравлик филтрдан ўтказилган гидравлик ишчи суюқликлар намуналарини DMX-4 русумли рақамли микроскоп ёрдамида ўрганилганда, ишлаб чиқилган ғовакли филтр ёрдамида тозаланган ишчи суюқлик таркибидаги ифлословчи заррачаларнинг, энг каттасининг, ҳажми 0,7 мкм ни, RH-40E маркали экскаваторда қўлланиладиган гидравлик филтрдан ўтказилган гидравлик ишчи суюқлик таркибидаги ифлословчи заррачаларнинг, энг каттасини, ҳажми эса 15 мкм ни ташкил этди, 10-расмда гидравлик ишчи суюқликларнинг DMX-4 русумли рақамли микроскоп ёрдамида олинган суратлари келтирилган.



а




б

а – ишлаб чиқилган ғовакли филтр ёрдамида тозаланган ишчи суюқлик;
 б – RH-40E маркали экскаваторда қўлланиладиган гидравлик филтрдан ўтказилган гидравлик ишчи суюқлик

10-расм. Гидравлик ишчи суюқликларнинг DMX-4 русумли рақамли микроскоп ёрдамида олинган сурати

Ишлаб чиқилган ғовакли филтрнинг самарадорлигини тадқиқ қилиш учун, уни экскаваторнинг базавий филтри билан қиёсий солиштириб кўрилди, қиёслаш ишлари «Аристантау» карьерининг RH-40E маркали экскаваторида ўтказилди. Ҳар иккала филтр 3000 мотосоат давомида синовдан ўтказилди, ҳар 500 мотосоат эксплуатация давомида гидравлик филтлда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар миқдори аниқланиб борилди.

11-расмда ишлаб чиқилган ғовакли филтлда ва RH-40E маркали экскаваторда қўлланиладиган гидравлик филтлда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар миқдорининг кўрсаткичлари графиги келтирилган.



а – ишлаб чиқилган ғовакли фильтр;
 б – базавий фильтр
11-расм. Ишлаб чиқилган ғовакли фильтрда ва базавий фильтрда ушлаб қолинган ифлословчи заррачалар миқдори кўрсаткичларининг графиги

11-расмда келтирилган графикдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган ғовакли фильтр гидравлик ишчи суюқликдаги ифлословчи заррачаларни базавий фильтрга нисбатан 60% гача кўп ушлаб қолиш имкониятини беради.

Ишлаб чиқилган ғовакли фильтрни карьер экскаваторларининг гидравлик тизимида қўллаш гидравлик ишчи суюқликдаги 0,3-0,5 мкм ўлчамгача бўлган ифлословчи заррачаларни тутиб қолиш имконини беради.

Ишлаб чиқилган ишланмаларни жорий этиш натижасида карьер гидравлик экскаваторларининг эксплуатация самарадорлиги 40% гача ошди, натижада йиллик иқтисодий самарадорлик бир дона гидравлик экскаваторнинг эксплуатацияси учун 17 миллион сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

«Гидравлик тизимларнинг ишлашини такомиллаштириш асосида карьер гидравлик экскаваторларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гидравлик ишчи суюқликларининг ифлосланганлик даражасини гидравлик тизими қисмларининг иш ресурсига таъсирини аниқлаш имконини берувчи математик моделини ишлаб чиқиш, гидравлик тизимининг янги зичлагичлари ва фитингининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш, гидравлик суюқликларни тозалаш учун ғовакли фильтрни ишлаб чиқиш ҳисобига карьер гидравлик экскаваторларининг эксплуатацион самарадорлигини оширишга эришилади.

2. Карьер гидравлик экскаваторларининг самарадорлигини ошириш уларнинг гидравлик тизимини такомиллаштириш ва ишончилигини ошириш асосида амалга оширилади. Бу эса, карьер гидравлик экскаваторлари гидравлик тизимининг тўхталишларига олиб келувчи асосий омилларни тадқиқ қилиш, тўхталишларни бартараф этиш асосида гидравлик тизимнинг эксплуатацион самарадорлигини оширувчи техник ечимларни ишлаб чиқиш ва гидравлик ишчи суюқликни тозалаш учун янги фильтрни ишлаб чиқишни талаб этади.

3. Гидравлик ишчи суюқликнинг ифлосланганлик даражасини гидравлик тизими қисмларининг иш ресурсига таъсирининг математик модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган математик модель асосида, Delphi дастурлаш тилида карьер экскаваторлари гидравлик тизими қисмларининг эксплуатацион

ресурсининг гидравлик ишчи суюқлигининг ифлосланганлик даражаси асосида аниқлаш имконини берувчи дастурий таъминот яратилади.

4. Карьер гидравлик экскаваторлари гидравлик тизимида ишчи суюқликнинг сизиб чиқишини бартараф этиш мақсадида, 60 °С ҳароратда 350 бар босимгача чидамли, −35°С дан +100°С гача ҳароратда ишлаш қобилиятига эга бўлган маҳаллий хом ашёдан сальникли зичлагичлар ишлаб чиқилди. Сальникли зичлагичларнинг таркибига 1,21% миқдорида анкерит ($\text{Cf}(\text{Vg,Fe})[\text{CO}_3]_2$), 0,39% миқдорида сульфат цинк (ZnS) ва 0,22 % миқдорида сульфат калий (K_2SO_4) элементларини қўшиш, сальникли зичлагичнинг юқори ва кескин паст ҳарорат таъсири остида мўртлашишини бартараф этиш имконини беради.

5. Delphi дастурлаш тилида карьер экскаваторлари гидравлик тизимидаги зичлагичларнинг емирилиш интенсивлигини башоратлаш имконини берувчи дастурий таъминот яратилади.

6. Ишлаб чиқилган гидравлик тизим фитингининг янги конструкцияси, унинг ниппель қисмининг янгича шакли билан фарқланади. Ишлаб чиқилган фитинг ниппель қисмининг янги шакли унинг рукавага маҳкам уланишини ҳамда босим ва ҳароратлар таъсирида рукавларнинг узилиб чиқиб кетмаслигини таъминлайди. Навоий кон-металлургия комбинатининг «Аристантау» карьерида қўлланилаётган RH-40E маркали гидравлик экскаваторида юқори босимли шланг фитингининг янги конструкциясини қўллаш юқори босимли рукавлар билан боғлиқ авария ҳолатларини 55-65% га камайтириш имконини берди, бундан ташқари, ишчи суюқликларнинг оқиб кетиши 70-75% га камайтиради.

7. Кон ускуналари гидравлик тизими ишчи суюқлигининг тозаллигини ҳамда иш кўрсаткичларини самарали таъминлаш мақсадида, махсус таркибли ғовакли фильтр ишлаб чиқилди ва тажриба синовларидан ўтказилди. Тажриба-синовлари натижасида ғовакли фильтрнинг гидравлик тизим учун оптимал кўрсаткичларини танлаш имконини берувчи, фильтрда ушлаб қолинган заррачалар миқдори ва ишчи суюқликнинг филтрдан ўтиш тезлигининг филтронинг ғоваклилик миқдorigа боғлиқлиги ўрнатилади.

8. Ишлаб чиқилган ғовакли фильтр карьер экскаваторларининг гидравлик тизимида қўлланилганда, бошқа турдаги гидравлик филтрларга нисбатан 18-20 мартагача кичик бўлган ифлословчи заррачаларни ушлаб қолиш қобилиятини беради. Бу эса, ўз навбатида, ишчи суюқликдаги 0,3-0,5 мкм ўлчамгача бўлган ифлословчи заррачаларни тутиб қолиш натижасида гидравлик тизимнинг эксплуатацион самарадорлигини 40% гача оширади.

9. Гидравлик экскаваторлар гидравлика тизимининг янги сальникли зичлагичлари, юқори босимли шланг фитингининг янги конструкцияси ва ишлаб чиқилган ғовакли фильтр Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси «Аристантау» карьерининг RH-40E русумли гидравлик экскаваторида жорий этилди. Натижада RH-40E русумли гидравлик экскаваторнинг эксплуатацион самарадорлиги 40% га оширишга эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

ЖУРАЕВ АКБАР ШАВКАТОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭКСПЛУАТАЦИОННОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ
КАРЬЕРНЫХ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ ЭКСКАВАТОРОВ НА ОСНОВЕ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИХ ГИДРАВЛИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ**

04.00.16 – Горные машины

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Навои – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.1.PhD/T2072.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ndki.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Абдуазизов Набижон Азаматович**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Эгамбердиев Илхом Пулатович**
доктор технических наук, доцент

Аннакулов Тулкин Жовбекович
доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент


Ведущая организация: **филиал Национального исследовательского технологического университета «МИСиС»**
в г. Алмалык


Защита диссертации состоится 28 декабря 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.T.06.02 (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; (e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №82). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 15 декабря 2021 г.
(реестр протокола рассылки №39 от 15 декабря 2021 г.).




И.Т.Мислибаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Ш.Ш.Заиров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Н.А.Абдуазизов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире углубление карьеров полезных ископаемых, проведение горных работ в сложных горно-геологических условиях и предъявляемые требования к надёжности и эффективности эксплуатации горного оборудования приводит к усовершенствованию конструкции карьерных гидравлических экскаваторов и их гидравлических систем. Ускорение процессов добычи полезных ископаемых открытым способом требует применения современных карьерных экскаваторов и увеличения их мощности. Современные гидравлические экскаваторы считаются дорогостоящими высокотехнологичными устройствами, их обслуживание в процессе эксплуатации требует высокой технической культуры. Гидравлический экскаватор включает в себя сложную гидравлическую систему, степень неисправности гидравлической системы карьерных экскаваторов достигает сегодня высоких показателей и становится одной из актуальных проблем. Вопросы, связанные со снижением себестоимости эксплуатации гидравлической системы карьерных экскаваторов, повышением их надёжности, не нашли своего решения, и их решение сейчас приобретает важное значение.

На сегодняшний день во всем мире применения карьерных гидравлических экскаваторов показывает, исходя из особенностей работы существующей гидравлической системы экскаваторов, что она имеет ряд существенных недостатков. По мере повышения уровня загрязнения гидравлических рабочих жидкостей уменьшается их рабочий ресурс, происходит интенсивный абразивный износ компонентов гидравлической системы. В связи с этим, важной задачей является повышение эксплуатационной эффективности работы карьерных гидравлических экскаваторов на основе совершенствования работы гидравлических систем в результате внедрения новых, имеющих высокие производственные показатели, технических и технологических решений.

В Республике выполняется ряд научно-практических работ по внедрению инновационных технологий ускорения добычи полезных ископаемых, исследования способов повышения надёжности при эксплуатации карьерных гидравлических экскаваторов и эффективных экономических способов, экономии ресурсов гидравлических систем карьерных гидравлических экскаваторов. В Указе Президента Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленных на опережающее развитие высокотехнологичных отраслей, освоению принципиально новых видов технологий, сокращению энергоёмкости и ресурсоёмкости, широкому внедрению в производство энергосберегающих технологий...». В связи с этим важное научное и практическое значение имеет повышение производительности работы карьерных гидравлических

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

экскаваторов, повышение экономии ресурса гидравлических систем горного оборудования, а также снижение себестоимости погрузочно-разгрузочных работ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-4707 от 4 марта 2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 гг.» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

